

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**РАХМОНОВ СУННАТИЛЛО МАВЛОНОВИЧ**

**АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТАСАВВУФНИНГ  
ИЖТИМОЙИЙ-МАЪНАВИЙ РОЛИ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
Philosophical sciences**

**Рахмонов Суннатилло Мавлонович**

Амир Темур даврида тасаввуфнинг ижтимоий-маънавий роли..... 3

**Рахмонов Суннатилло Мавлонович**

Социально-духовная роль суфизма в период Амира Темура..... 21

**Rakhmonov Sunntillo Mavlonovich**

Social and spiritual role of sufism period Amir Temur ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**РАХМОНОВ СУННАТИЛЛО МАВЛОНОВИЧ**

**АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТАСАВВУФНИНГ  
ИЖТИМОЙИЙ-МАЪНАВИЙ РОЛИ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal182 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Сайимназар Каримович**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳажиева Максуда Султановна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Махмудов Равшанбек Жалилович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» ИЮН соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 19 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» ИЮН куни тарқатилди.  
(2021 йил «12» ИЮН даги 19 - рақамли реестр баённомаси).



**Қ.Б.Шадманов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раис ўринбосари,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) фалсафа ф.б.

**С.А.Чориев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тамаддуни тараққиёти негизини ташкил қиладиган ва инсоният тарихий тафаккурининг ажралмас қисми бўлган шахс руҳий-маънавий камолотини юксалтириб бориш муҳим конструктив аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан аҳоли, айниқса ёшларни руҳий-маънавий қашшоқлик ва ахлоқий бузуклик сингари деструктив иллатлардан ҳимоя қилиш инсоният олдида турган долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Бунда инсонни руҳий-ахлоқий жиҳатдан комилликка етакловчи умуминсоний маданият таркиби ҳисобланган тасаввуфнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, тасаввуф ирфоний-фалсафий таълимот сифатида бугунги радикал ўзгаришлар жараёнини маънавий-руҳий меъёрлаштириши билан бирга, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш йўлида инсонпарварлик тамойилларига ҳам асослангандир.

Жаҳон илм-фанида инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, инсонпарварлик фаолияти, ахлоқий комилликка эришишнинг назарий концепциялари борасида бугунги кунда турли халқаро илмий марказлар томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, миллий-маънавий қадриятларни янада ривожлантириш, ёшларнинг руҳий-маънавий дунёқарашини кенгайтириш, тараққиётдаги осойишталик ва барқарорликни таъминлашда буюк мутасаввуф мутафаккирларнинг мантиқий-фалсафий мушоҳадакорлик ғояларини ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб илмий тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, инсон руҳий камолотида тасаввуфнинг ижтимоий-маънавий ролини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва давр характерига уйғун равишда ижод қилган тариқат намоёндаларининг фалсафий меросини тадқиқ қилиш илмий жамоатчиликнинг тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда халқимиз айниқса, ёшларимизнинг руҳий-ахлоқий жиҳатдан камол топишида мутафаккирлар бой маънавий меросидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”<sup>1</sup>. Бунда эса, энг аввало буюк мутафаккирларнинг ирфоний-фалсафий ғояларга асосланган маънавий меросини ўрганиш хусусан, соҳибқирон Амир Темур даврида юксалиш чўққисига кўтарилган тасаввуф ёки нақшбандия тариқатининг жамият ҳаётидаги ижтимоий барқарорлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги қарашларини тадқиқ этиш асосида, ватанпарварлик туйғуларини ёшлар онгига сингдиришнинг концептуал асосларини илмий таҳлил қилиш объектив заруриятга айланмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. 19.10.2016. №206 (6641). –Б. 1.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 17 майдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XIX аср охири ва XX асрдан бошлаб Европада Амир Темур даври ва тасаввуф таълимотига қизиқиш кучайди. Академик Е.Э.Бертельс<sup>1</sup> ўзининг “Суфизм и суфийская литература” номли асарида “Мусулмон дунёсида суфизмдек мураккаб ҳодисани пайдо бўлишини тушуниш учун энг аввало унинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган жамиятнинг ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак” деган фикрни баён этган. Француз Темуршуноси Люсьен Керен ўзининг 1980 йилда Парижда чоп эттирган “Темурланг ёхуд Соҳибқирон салтанати” номли асарида “Темур ва унинг салтанатини ўрганиш яқин ўтмишдагига қараганда анча кучайган бўлса ҳам, ҳали жуда кам” деб таъкидлаган. Француз шарқшуноси Люсьен Бува “Темурийлар цивилизацияси ҳақида қисса” асарида энг аввало Темурбекда инсон омили доимо олдинги ўринда бўлганлигини назарда тутиш кераклигини таъкидлаган бўлса, таниқли француз тадқиқотчиси Вальтер Жерар ўзининг “Асрлар хотиралари. Темурланг” асарида “У ёшлигидан отаси Тарағай билан Кешдаги масжидга ва сўфийлар кенгашларига қатнашган. Биламизки, Темур у ерда ажойиб диний тарбия олган” деб қайд этган. Шу билан бирга В.Жерар Темур ҳақида 127 та асарлар рўйхатини келтирган. Инглиз олими Дж.С.Тримингэм эса ўзининг “Суфийская ордена в исламе” асарида Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг турли даврлардаги фаолиятлари ҳақида маълумотлар берган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари томонидан ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида тасаввуф таълимотининг тараққиёти, хусусиятлари, мазмун-моҳияти, тасаввуфнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатларига доир масалаларни ёритишда салмоқли тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, В.В.Бартольд, А.Ю.Греков, С.М.Димидов, М.И.Иванин, К.Казанский, Н.С.Кирабаев, З.Кули-Зода, К.Олимов, Эҳсон Табарий,

---

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва: Наука, 1965. – С. 36-45.

К.Х.Таджикова, И.И.Умняков, А.Ю.Якубовский<sup>1</sup>, А.Д.Яндаров каби шарқшунос олимлар тасаввуф тариқатларининг ижтимоий, маънавий, рационал ва фалсафий жиҳатлари билан шуғулланганлар.

Мустақиллик йилларида Амир Темур даврида тасаввуфнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатларининг айрим томонларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар Х.Болтабоев<sup>2</sup>, О.Бўриев, Б.Валихўжаев, М.Имомназаров, С.Каримов, Н.Комилов<sup>3</sup>, И.Мўминов, М.Муҳиддинов, Г.Наврўзова, М.Орипов, Д.Салоҳий, Н.Сафарова, У.Увватов, М.Хайруллаев, Р.Шодиев, Ж.Яхшиликков, М.Қодиров, И.Ҳаққулов каби файласуфлар билан бир қаторда Ш.Сирождидинов, М.Эшмуҳаммедова, Ҳамитджон Ҳомидий каби адабиётшунос олимлар томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда айнан Амир Темур ва темурийлар даврида тасаввуф таълимотининг ривожланиш тенденциялари, амал қилиш қонуниятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири ҳамда уларнинг тасаввуф таълимоти ва унинг намоёндаларига бўлган муносабатлари ижтимоий фалсафий нуқтаи-назаридан махсус тадқиқ этилмаган. Айнан ушбу ҳолат мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2020-2022 йилларга мўлжалланган ПЗ-2020022811 рақамли “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиёда тасаввуфнинг ижтимоий-маънавий, маърифий ва ахлоқий ўрнини замонавий фалсафий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ёшларнинг маънавий-руҳий камолотга эришишига қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Амир Темур даврида кенг фаолият юритган тасаввуфнинг кубровия, яссавия, нақшбандия, қодирия каби йирик йўналишлари фаолиятини тарихий-маданий (тариқатлар ўртасидаги муросачилик, уларнинг фаолияти учун кенг имкониятлар яратиш бериш) ва ижтимоий-фалсафий (бағрикенглик, ижтимоий барқарорлик, тинчликни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя) омилларини тадқиқ қилиш;

Амир Темур сиёсий қарашларидаги нақшбандийликнинг ижтимоий-маънавий ривожланиши тенденциялари (комил инсон, фақирларни улуғлаш, тавба, сабр) ва қонуниятларини (ватанпарварлик, тинчликни сақлаш, адолат) фалсафий таҳлил қилиш;

Амир Темур ва темурийларнинг Нақшбандийликка таянган ҳолда

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Самарканд при Темуре и Темуридах. Очерк. Ленинград, 1933. – С. 84.

<sup>2</sup> Болтабоев Х. Ислам тасаввуфи манбалари. Тасаввуф назарияси ва тарихи. Т.: O'qituvchi, 2005. – Б. 400.

<sup>3</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 147.

дунёвий ҳокимият билан ислом дини уламолари ўртасидаги кескинликни юмшатиш, дунёвий ва диний кучлар ўртасида мантикий мувозанатни ўрнатиш ва шунга мос равишда давлат қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган тактик-стратегик қадамлар ташлаганлигини ёритиш;

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихий Таймур” асари ҳамда Хусайн ал Воиз ал Кошифий Ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Обиҳаёт томчилари) асарларини қиёсий таҳлил қилиш орқали Амир Темур ва темурийлар салтанатида тасаввуфий тариқатларнинг фаолиятлари ҳамда улар дунёқарашининг шаклланишида ушбу тариқатларнинг ўрни ва ролини очиқ бериш;

тасаввуфнинг фалсафий, ахлоқий қарашларида комил инсон, диний тарбия, Ватанга муҳаббат, устозларга ҳурмат, тилу дил бирлиги, ҳалол меҳнат каби ғояларининг ҳозирги кунда баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини ёритиш орқали соҳага оид тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Амир Темур даврида тасаввуф таълимоти ва тасаввуф намоёндаларининг маънавий мероси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Амир Темур даврида тасаввуфнинг ижтимоий-маънавий ўрни ва жамият ҳаётидаги ахлоқий хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, контент анализ, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Амир Темур тасаввуфнинг ахлоқий поклик, бағрикенглик каби асосий қоидаларидан салтанат бошқарувида мамлакат тараққиётига тўсиқ бўладиган мазҳаблараро ва тариқатлараро низоларни бартараф этиб ижтимоий барқарорликни таъминлашда амалий фойдаланганлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Амир Темур даврида тариқат намоёндаларининг ижтимоий-сиёсий ташаббускорлик (ижтимоий воситачилик ва ҳомийлик) фаолиятлари ҳамжиҳатлик ва ижтимоий тотувликни таъминлаш мезони эканлиги мантиқий далилланган;

Амир Темур тасаввуфнинг муҳим руҳий – маънавий омиллари бўлган покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, меҳр-шафқатли бўлиш каби комиллик мезонларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар очиқ берганлиги асосланган;

Амир Темур даврида Нақшбандийлик тариқатининг диний-ирфоний асослари (зуҳд, фақр, сабр, тавба, таваккул) мустаҳкамланганлиги ва тариқатлар орасидаги бағрикенглик, ҳамкорлик, муросачилик тамойилларини ўрнатишда Нақшбандийликнинг етакчилик роли ишончли аргументлар асосида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Амир Темур бошқарувидаги “ўз-ўзини таҳлил қилиш” (кенгашлар мисолида) ва “ўз-ўзини тарбиялаш” (тузуклар мисолида) каби конфликтологик методларини давлат бошқарувидаги сиёсий институтлар



фаолиятига (қиёсий) жорий этиш бўйича амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

тасаввуфнинг жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш ва ёшларни миллий маънавияти, мафкураси, миллий ғурурини юксалтиришдаги амалий аҳамияти очиб берилган;

Амир Темурдаги жавонмардлик, халқ ғаму ташвиши билан яшаш, маънавий-руҳий баркамолликка эришиш, сабр-тоқат, қаҳр ва ҳалимлик каби сифатлари асосида ёш авлодни комиллик сари тарбиялаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқотдаги маълумотлар умумлаштирилиб, назарий хулосалардан “Фалсафа тарихи” ва “Тасаввуф фалсафаси” фанларини такомиллаштиришда фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Халқаро ва республика аҳамиятига эга илмий конференцияларда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тавсия этган фалсафа йўналишидаги ихтисослаштирилган журналларда чоп этилган мақолалар, илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборот ва тавсиялар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган хулосалар билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда илгари сурилган концептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар тарих, фалсафа, фалсафа тарихи, тасаввуф фалсафаси, диншунослик фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялар халқимизнинг тарихий маданий-мероси, миллий қадриятларини тарғиб қилишда, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази, унинг вилоят бўлимлари, маънавий-маърифий дастурлари, ўқув-тарбия билан шуғулланувчи муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишда ҳамда олий таълим муассасаларида мавзу юзасидан ўтиладиган фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Амир Темур даврида тасаввуфнинг ижтимоий-маънавий ролини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар асосида:

Амир Темур ва темурийлар давлатида диний бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик, ахлоқий поклик, адолатлилик, сабрли бўлиш каби маънавий-ахлоқий тамойилларнинг моҳияти ҳамда ўзига хос хусусиятларининг ёшлар тарбиясига таъсири борасидаги илмий асосланган таклиф-тавсияларидан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг IX-XVI боблари ва XVII бобининг 2-бўлими мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 89/03-920-сон маълумотнома). Натижада, ёшларда ўз тарихига нисбатан эҳтиром туйғусини шакллантириб, ёш авлодни маънавий-ахлоқий

жиҳатдан камолотга етишишига хизмат қилган;

Амир Темур тасаввуфнинг муҳим руҳий-маънавий омиллари бўлган покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларини халққа сингдириш учун кураш олиб борганлигига оид илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг “Ёшлар ва қонун” номли Концепциясини ва “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида “Уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш муаммо ва истиқболлари” комплекс чора тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 12 февралдаги 04-13/626-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг жамият ишларига дахлдорлик ҳиссиёти, актив ҳаётий позицияси кучайишига, ёшлар орасида жиноятчилик даражасини камайтиришга хизмат қилган;

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда тариқат намоёндаларининг тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ижтимоий-сиёсий ташаббускорлик фаолиятларига оид конструктив таклиф-тавсиялардан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзусидаги 46-11/50 рақамли амалий грант лойиҳасининг “Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш” номли 11-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2020 йил 7 февралдаги 4-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада (2020 йил 26 мартдаги 2214-сон маълумотномаси) муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (хусусан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг “Амир Темур даврида тасаввуф таълимотининг назарий-фалсафий ва амалий хусусиятлари” деб номланган биринчи боби Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотининг вужудга келиши, ривожланиш

босқичлари, Амир Темур даврида тасаввуф таълимоти ва калом илми алломаларининг фаолиятларини ўрганишга бағишланган.

Ислом дини бағрида юзага келиб, инсоний комиллик таълимотига айланган тасаввуф ҳамда Кубравия, Яссавия ва Хожагон Нақшбандия каби тариқатлар айнан мамлакатимиз худудида пайдо бўлиб, шу ердан кенг ислом оламига ёйилган. Айниқса, Яссавия ва Хожагон Нақшбандия тариқатлари бевосита Бухорода – Хожа Юсуф Ҳамадоний пирлигида ривожланиб Осиёнинг катта қисмида эҳтиром билан тилга олинган<sup>1</sup>. Тасаввуф асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитиб келган. Инсоннинг руҳий ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориши тасаввуф таълимотнинг асосий ғояларидандир.

Тасаввуф – ахлоқнинг камол мартабасига эришмоқ учун ҳар соҳада шариат кўрсатган йўлдан юришдир. Тасаввуфнинг ғояси нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интиломқликдир<sup>2</sup>.

Тасаввуф – нафс тарбияси ҳақидаги билимдир. Тасаввуф инсон қалбини эзгуликка етакловчи таълимотдир<sup>3</sup>.

Тасаввуфнинг мақсади инсонни руҳий, маънавий жиҳатдан поклаш ва комил инсонни тарбиялашдир. Қалб поклигига эришган, юксак маънавиятли, баркамол шахс – комил инсон ҳисобланади. Комилликда руҳан покланиш ғоят муҳим бўлиб, покланишнинг йўли нафсни енгишдир. Нафс эса инсонни жуда кудратли душмани ҳисобланиб, унга тобе инсон маънавий ва жисмоний тубанликга, ҳалокатга йўлиқади. Ҳаққа ошиқлик, ишқ эса нафсни енгиш қуроли ҳисобланади. Тасаввуфда ишқ деганда ирода, илм, ибодат, сабр, адолат, саҳийлик, ҳалимлик, мардлик умуман инсон қалби ва руҳини поклашга хизмат қиладиган барча эзгуликлар йиғиндиси тушунилади. Ишқнинг ўрни кўнгилда бўлиб, кўнгил ишқ туфайли покланади. Кўнгил покланса ишқ илоҳий моҳият касб этади. Тасаввуфга кўра кўнгилни поклаш ҳам бир илмдир. Илм эса устозлардан ўрганилади. Покланишга эришган комил инсон эса, айни пайтда, юксак ахлоқ ва одоб тимсолига айланади.

Тариқатлар орасида, яссавийликда илм-маърифат эгаллаш, нафсга қарши курашда собит бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топиш каби чин инсоний сифатларга алоҳида аҳамият берилган.

Кубровийликда эса тариқат аъзоларини таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган. Кубровийлик таълимотига кўра, ҳар бир киши камолотга эришиш учун барча дунёвий нарсалардан тийилиш, бутун вужуди билан Худога илтижо қилиш, сабр, тафаккурга ғарқ бўлиш, ризо каби 10 асос (“ўнта усул”)га таянмоғи лозимдир.

Нақшбандия тариқати эса Хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини ўзида омухта этган, уларга янги руҳ бериб ривожлантирган. Нақшбандийлик таълимотининг асосида “Кўнгил худога бўлсину қўл ишда банд бўлсин”

<sup>1</sup> Ҳайдаров П.С. Шарқ ва Ғарб. Манба: <http://istiqlol.samdu.uz>. 2016. – Б. 23.

<sup>2</sup> С.Каримов. Амир Темурнинг тасаввуфга муносабати. Т.: Фан, 2008. – Б. 17.

<sup>3</sup> Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Монография. Бухоро: Дурдона нашриёти, 2018. – Б. 76.

шиори ётади. Нақшбандийликда инсоннинг қадри мансаби, бойлиги билан эмас, маънавий комиллиги билан ўлчанади<sup>1</sup>.

Нақшбандийлик шиори таркидунёчиликка, текинхўрликка қарши қаратилган. Нақшбандийликда қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, “ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш” ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш асосий маънавий тарбия усуллари ҳисобланади.

Нақшбандийликни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Атторнинг хизматлари катта бўлган. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас балки, Бухоро ва Самарқанд алломалари, Амир Темур авлодидан бўлган шоҳ ва шаҳзодалар ҳам кирганлар.

Амир Темур салтанатида ислом динининг сиёсий аҳамиятини тўғри таҳлил қилишга интиланган олим Д.И.Логофет: “Мусулмон давлати ва жумладан, Темур давлати қурилишининг асосини - Шарқ цивилизацияси тарихида чуқур из қолдирган Хожа Баҳоуддин таълимоти ташкил қилар эди. Мусулмон давлатларида ҳукмдорларни тахтга чиқаришда бу таълимотга ҳозиргача каттиқ амал қилинади. Унинг талабларга жавоб бера олмаган ҳукмдор эса зудлик билан тахтдан туширилади”<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

“Амир Темур жуда катта доирада (қарийб 27 та давлат ва амирликни бирлаштирган) ўз салтанатини ўрнатиб, кучли ижтимоий-сиёсий, маънавий ва моддий салоҳиятли тизимни вужудга келтирди. Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз, энг дабдабали давр бўлиб, туркий халқлар учун шундайин зиё бердики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар”<sup>3</sup>, – деб ёзган Ҳерман Вамбери.

Амир Темур, энг аввало, халқини ва юртини золимлар исканжасидан озод этишда мардлик ва жасорат кўрсатган. Ватан иқболи, шону шавкати учун фидойиларча курашиб, ўзи айтганидек, “салтанат тўнини кийгач”, тинчлигу соғлиғи кетиб, ўз тўшагида роҳатда ухлаш ва хузур-ҳаловатидан воз кечган.

Амир Темур яккаю ёлғиз тангрига ишонган ва бу орқали айрим маданиятли халқларда бўлмаган юксак эътиқодни намоён этган. На унда ва на унинг қўшинида диний зиддиятлар кузатилмаган: у мусулмонлар учун ҳам, буддапарастлар учун ҳам, брахманлар, яҳудийлар ва бошқа мажусийлар учун ҳам бирдек қайғурган<sup>4</sup>.

Амир Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморчилик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одат бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 355.

<sup>2</sup> Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. Новое изд. Москва: Либроком, 2019. – С. 73-74.

<sup>3</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент: Меҳнат, 1990. – Б. 47.

<sup>4</sup> Марсель Брион. Амир Темур. Асрлар солномаси. Тошкент: Ғафур Ғулом, 2018. – 164.

хунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар қуришган<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам Самарқанд ва Темур деган иккита ном бир бирига сингишиб кетган.

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат алломалари жумладан, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадруддин Аҳмад, Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокийлар Соҳибқироннинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб, унинг хизматида бўлганлар.

Шу билан бирга, Амир Темур Хожа Али Муайяд ал-Тусий, Шайх Иброҳим, Саййид Муҳаммад ас-Сарбадол, Самарқанд шайхлари бўлган ал-Ислом, Хожа Абдул ал-Аввал, Шайх Хожа Исомиддин ас-Ислом ал-Малик, кешлик ака-ука Шайх Ислом Абдулҳамид ва Шайх Абдурахмонга ҳомийлик қилган. Темур Хожа Аҳмад Яссавий, Султон Бурҳониддин Қилич, Шайх Нуриддин Басир ва Шайх Бурҳониддин Соғаржийларни маънавий пирлари деб қабул қилган, руҳларидан илоҳий мадад олиб, ўз салтанатини бошқарган. Шамсиддин Кулол, Амир Саид Кулол, Мир Саййид Барака, Абу Бакр Тоёбодий эса Темурга тариқат қонун-қоидалари хусусида сабоқ берганлар<sup>2</sup>.

Соҳибқирон Амир Темурнинг уч шайхга нисбатан ихлоси жуда кучли бўлган. Булар Шайх Шамсиддин Кулол, Мир Саййид Барака ва Зайниддин Абубакр Тоёбодийлардир. Жуда кўплаб адабиётларда Шайх Шамсиддин Кулол ва Амир Кулолни бир шахс деб нотўғри маълумотлар берилган. Саййид Амир Кулол (1281-1370) Хожагон ва Нақшбандия тариқатларини бир-бирига боғлаб турган улуғ зот, Силсилаи Шарифнинг 15 - халқа пири ва Бухорои Шариф Етти Пирининг олтинчисидир<sup>3</sup>. Саййид Амир Кулол ҳақидаги маълумотлар “Мақомоти Амир Кулол” ва “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарларида батафсил ёритилган. Саййид Амир Кулол ва Шамсуддин Кулол бошқа-бошқа кишилар бўлиб, Амир Кулол муршид ва Шамсуддин Кулол мурид бўлганлар. Диссертацияда ушбу жараёнларнинг ижтимоий – фалсафий, маънавий – ахлоқий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Амир Темур салтанатининг ривожланишида тасаввуф таълимотининг ижтимоий-маънавий роли**” деб номланиб, унда Амир Темур эришган муваффақиятларнинг бош омили, энг аввало, унинг адолатли сиёсати бўлганлиги акс эттирилган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, адолат, меҳр-мурувват ва инсоф Амир Темур қурган салтанат иморатининг таянч устунлари бўлган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Соҳибқирон Темурдаги мавжуд сифатлар тасаввуф солиҳларининг жуда кўп сифатларига тўла мувофиқ келди. Аввало қалб мусаффолиги, ақл камолати, ботинан тафаккурга мойиллиги, нафс

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 57.

<sup>2</sup> Каримов С.К. Амир Темур ва темурийларнинг тасаввуфга муносабати. Тошкент: Фан, 2008. – Б. 5.

<sup>3</sup> Наврўзова Г., Зоиров Э. Саййид Мир Кулол – Бухорои Шарифнинг олтинчи пири./ Бухорои Шарифнинг Етти Пери. Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – Б. 51-59.

гирдобини тийиб, ўз халқи, Ватани, миллатига вафодорлиги шулар жумласидандир<sup>1</sup>.

Мутафаккир Алишер Навоийнинг фикрига кўра, сўфий зоҳиран, ҳаттоки, мамлакатга подшолик қилиши ҳам мумкин. Бу унинг тасаввуф йўлини тутишига асло ҳалақит бермайди. Ахир, Амир Темур ҳам Баҳоуддин Нақшбанддек Хожагон тариқатининг еттинчи ҳалқасидаги пири комил – Амир Кулолнинг муриди эди. Барча темурий зодалар Нақшбандий шайхларига, XV асрнинг иккинчи ярмида эса аксаран Хожа Аҳрори Валийга қўл беришган-ку. Навоий замонаси ҳумқдори Ҳусайн Бойқарони ўзида шох ва дарвишликни ажиб тарзда уйғунлаштирган зот сифатида тасвирлаши ҳам бежиз эмас. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам нақшбандийлардан бўлган, унинг отаси бевосита Хожа Аҳрорнинг муриди эди. Бобур бетоб ётганида пири комилнинг руҳи покидан мадад кутиб, Хожа Аҳрорнинг “Волидия” асарини форсчадан ўзбекчага таржима қилиб унинг Ҳиндистонга ёйилишида катта хизмат кўрсатган<sup>2</sup>.

Соҳибқирон Амир Темурга ёшлиқдан олган диний билимлари шариат қонун қоидаларини билишда айниқса, фикҳ илмида шуҳрат қозонишига замин яратган.

Амир Темур жуда ёш чоғида, уч йилда Қуръони Каримни тўлиқ ва пухта ёд олган<sup>3</sup>. Темур фақат Қуръони Каримни ёдлабгина қолмай, балки унинг маъносини ҳам жуда яхши тушунган. Бу эса, ўз навбатида унинг обрўсига обрў қўшиб, халқ оммасининг Соҳибқиронга бўлган иззат-эҳтиромини яна ҳам орттирган. Амир Темурнинг онаси - Тегина бегим, Бухоро уламолари пешвоси мавлоно Садр аш-шариа, яъни шариат қонунларини шарҳловчи аллома, (айрим манбаларда “Тоғ аш-шариа” яъни “Шариат тоғи” деб қайд этилган) Убайдуллоҳ ал-Бухорийнинг қизи бўлиб, Тегина бегимнинг аждодлари ўз замонасининг олим кишилари бўлишган. Амир Темурнинг она авлодлари ўқимишли, юксак маданиятли, ўз даври мутафаккирлари бўлганлар. Амир Темурнинг ислом динига эътиқоди шаклланишида устозлари билан бирга онаси Тегина бегим ва авлодларининг таъсири бениҳоя юксаклигини таъкидлаш жоиздир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва доно ўғитларида мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, салтанатининг умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги кишини ҳайратга солади. Амир Темур маънавиятидан ўрганадиган ўғитларимиз қанчалик тубсиз бўлса, мазмунан ҳам шунчалик чексиздир<sup>4</sup>.

Амир Темур ҳар юз йилда бир маротаба бериладиган Қутбиддин унвонига сазовор бўлган<sup>5</sup>. Қутбиддин – (арабча “қутб”; “ўқ”) – сўфийлар наздида валийликнинг энг юқори даражасига етган комил инсон, ягона ва

---

<sup>1</sup> Каримов С.К. Амир Темур ва темурийларнинг тасаввуфга муносабати. Тошкент: Фан, 2008. – Б. 23.

<sup>2</sup> Ҳайдаров П.С. Шарқ ва Ғарб. Манба: <http://istiqlol.samdu.uz>. 2016. – Б. 24.

<sup>3</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Амир Темур ва Ислоҳ”. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган. Тошкент, 1996.

<sup>4</sup> Яхшиликков Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти. Тошкент: Фан, 1999. – Б. 6-7.

<sup>5</sup> Салоҳий Д. Амир Темур ва ҳаётсеварлик фалсафаси. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. №26, 1996. – Б. 2.

улуғ йўлбошчи саналган<sup>1</sup>. Амир Темурнинг ислом дини маросимларига доимо риоя қилиши яъни, адолатли мулоҳаза юритиши жангчиларга мардлик бағишлаб, юришларнинг муваффақиятли якунланишига замин яратган.

Амир Темур миллат ва эл-улус учун мисилсиз саъй-ҳаркатлар қилиб жасорат кўрсатган. Оламни қарийб ярмини эгаллашга зўрлик билан эмас, адолатга таянган ҳолда эришган. Шунинг учун ҳам, унинг шиори “Куч адолатда” бўлган.

Амир Темурни тахтга чиқишидан аввал Илёсхўжага қарши курашда мусулмон руҳонийлари ҳамда саййид ва саййидзодалар қўллаб қувватлайдилар. Эҳтимол диний эътиқоди ҳам уни қийинчилик пайтларида қўллаб қувватлаб турган бўлса керак. Такдирни билишда илми нужумга, турли башоратларга ишонишга замонда Амир Темур кўпроқ бирор муҳим ишни амалга оширишдан аввал Қуръони Каримга мурожат қиларди<sup>2</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур шахсий ҳаётида тасаввуфининг назарий асосларини чуқур эгаллаган ва сиёсий фаолиятида унга бевосита амал қилган. Тасаввуф шайхлари ва машҳур уламоларни ўз давлат арконлари қаторига қўшиб, уларнинг фикрларидан муҳим сиёсий масалаларни ҳал қилишда фойдаланган. Темур тахти атрофида пайғамбар авлодлари, қозилар, олимлар, руҳонийлар, оқсоқоллар, ва аъёнлар ўнг тарафга, қўшин бошлиқлари чап тарафга жойлашганлар. Шунингдек, Темур тасаввуф ва футувватни бир-бирини тўлдирувчи сифатлар деб тушунган.

Футувват фақат яхшилик учун яшаш, эзгу хулқ атворга эга бўлиш, умрини халқ хизматига бағишлаш, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, эл-юрт, пиру-устоз шарафини ҳимоя қилиш, ботинан ва зоҳиран пок бўлиш, фақат ҳалол ва пок одамлар суҳбатини олишдир<sup>3</sup>. Футувват сўзи жавонмардлик, мардлик, биродарлик, олийжаноблик маъноларида ишлатилади. У ҳунармандларнинг ижтимоий сиёсий, диний ахлоқий, мафкуравий оқими бўлиб, ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

Сўфийлик тариқатидаги вазминлик қоидаси Темурнинг асосий қоидаси бўлган. Буни биз “Темур Тузуклари”да баён этилган куйидаги фикридан ҳам билиб олсак бўлади. Тузукларда: “Менга буйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим, уларга нафақа белгиларим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек, етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшиларди. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Шунга қарамасдан фуқарони кўркинч ва умид орасида сақладим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб уларга таянган ҳолда иш юргиздим ва бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2017. – Б. 625.

<sup>2</sup> Иванин М. Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент: Фан, 1994. – Б. 121-122.

<sup>3</sup> Каримов С.К. Амир Темур ва футувват. Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишланган илмий конференция. Самарқанд, 2009. – Б. 15.

ўн икки буржи, давлатим корхонасининг ўн икки оийи деб ҳисобладим<sup>1</sup>, деб таъкидланган. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур учун қонун аввало жамият ва фуқаролар манфаати ҳамда интилишларини ифодалаш керак бўлган. Темур ўз пиридан олган мактублари асосида салтанатини ўн икки тоифага бўлган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича Темур ўзи айтган барча ҳикматли сўзларга шахсий ҳаётида амал қилган. Темур: “Камар дар миён ва сано бар забон – белда камар ва тилда сано” яъни, “иш ва сўз бир бўлсин” дейишни хуш кўрган<sup>2</sup>.

Амир Темур тасаввуф замирида адолатсизликка йўл кўймаслик, нафс - ҳавога берилиб, халқ бошига кулфат солмаслик, барча масалаларни ҳал қилишда ислом дини қудратидан фойдаланиш каби маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар ётганлигини тушунган. Бу жараёнларнинг барчаси диссертациянинг асосий манбалари бўлган Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур”, Амир Темурнинг “Тузуқлари”, “Таржимаи Ҳол”, “Темурнома”, Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, Хожа Аҳрорнинг “Волидия”, “Табаррук рисолалар”, Абулхай ал-Ҳусайнининг “Ҳазрати Хожа Аҳрори Вали Насабномаси”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират аш шуаро”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирхонднинг “Равзат ас-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ас-сияр”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Мажолис ул-нафоис”, “Фавоид ул-кибар”, “Лисон ут-тайр”, Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”, Шайх Қосимий Анворнинг “Баёни воқеаи дидани Амир Темур”, “Маснавийлар мажмуаси” Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг “Абдулланнома” каби манбаларда тўла-тўқис баён этилган.

